

ХОНҚА НАҲҲОТИ

XORAZM VILOYATI XONQA TUMANI HOKIMLIGINING NASHRI • № 1 (3665) • 2021 YIL 22 YANVAR

ТУМАН КЕНГАШИ СЕССИЯСИ



Халқ депутатлари Хонқа туман кенгашининг навбатдаги XXVI сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда туман ҳокими М.Давлатов, сектор раҳбарлари, туман ҳокими ўринбосарлари, тегишли ташкилот раҳбарлари ва ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Кун тартибдаги масала:

“Хонқа туманининг 2021 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш, 2020 йил учун Хонқа тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида” ги Халқ депутатлари Хонқа туман кенгаши қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” туман молия бўлими мудир Д.Абдуллаевнинг ҳисоботи тингланди.

Кун тартибдаги масала юзасидан депутатлар сўзга чиқиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Сессияда кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиздан.

Халқ депутатлари туман кенгаши қарори ХОНҚА ТУМАНИНИНГ 2021 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ги қонунига мувофиқ 2021 йил учун туман маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича Халқ депутатлари Хонқа тумани Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ги қонунига (кейинги ўринларда қонун деб аталади) мувофиқ, 2021 йилги Хонқа тумани (кейинги ўринларда туман деб аталади) маҳаллий бюджетига Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ажратилган тартибга солувчи бюджетларaro трансферт 62,8 млрд.сўм миқдорда тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қонуннинг 12-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашига тегишли даражадаги маҳаллий бюджетларга ажратилган солиқларни ва бошқа турдаги даромадларни ҳамда бюджетларaro трансфертларни тақсимлаш ваколатидан келиб чиқиб, 2021 йилда:

а) Қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқ ўтказиб берилди:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;
– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

– айланмадан олинадиган солиқ;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган пул маблағлари;

– давлат ихтиёридаги ер майдонлари, бино ва иншоотларда реклама конструкцияларини ўрнатишга рухсат олиш учун тўланадиган йиғимлар, шунингдек ўрнатилган ташқи реклама объектлари учун тўланадиган ойлик тўловлар; юридик шахсларнинг мол-

мулкига солинадиган солиқ; якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи;

– маҳаллий бюджетга ундириладиган ижара тўловлари.

б) Қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоят бюджетига ҳамда шаҳар ва туман бюджетлари ўртасида тақсимланади:

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи.

3. 2021 йил учун туман маҳаллий бюджетига даромадлар прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Туман бюджетидан 2021 йилги ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратилган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Туман бюджетига умумдават солиқларидан ажратмалар меъёрлари 3-иловага, бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджетига билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят Ҳазначилик бошқармаси ва унинг бўлинмалари томонидан амалга оширилиши (Давоми 2-бетда). →

Мухаррир мактуби

КЕЛИНГ, ДЎСТ БЎЛАЙЛИК!

...Кўча четидида йиғлаб турган жажжи қизалоқ

этиборимни тортди. Елкасига ўқувчилар папкасини осиб олган, бошига кўк рангли чиройли жун дўппича кийган қизалоқ олдида бордим, нега йиғлаётганини сўрадим. У бурнини тортаркан, нозик бармоғи билан кўчанинг у бетида кетаётган учми-тўрт нафар тенгқурларини кўрсатди: “Мени ташлаб кетишди. Мени дўст қилмас эмишлар...”

“Дўст қилмаслик” сабабини сўрадим.

“Менинг дўппичам кўк рангда эмиш, уларникидай қизил эмасмиш...”

Болаларча соддалик, болаларча беғуборлик!

Беихтиёр болалик даврини эсга келади. Мактабда бирга ўқиган кезларингда тенгқурлар арзимас нарсаларга шундай аразлашиб қолардик, бир неча кун учрашиб қолганда терс қараб кетар – гаплашмасдик. Кейин... ҳаммаси унут бўлар, яна бирга ўйнаб, бирга кўчани бошимизга кийиб, баҳслашиб кетаверардик...

Кайковуснинг мана саккиз асрки Шарқу Фарбада машҳур “Қобуснома”сини ўқиб, кўпчиликка эриш туюлсада, айримлар “Бу насиҳатлар нега?” дейишсада, ушбуларни ёзаяпман. “Қобуснома”нинг “Дўст тутмоқ зикрида” шундоқ дейилади:

“Эй фарзанд, билгилки, то киши тирикдур, дўстсиз бўлмағусидур. Кишининг дўстсиз бўлғонидин биродарсиз бўлмоғи яхшидур. Бир ҳақимдан сўрдилар: “Дўст яхшироқму ё биродар?”. Ҳақим айтди: “Дўст бўлса яхшидур!”

Ҳатто бир қориндан талашиб тушган биродардан дўстнинг афзал кўйилиши... бу таққослашда лоф бордек туюладими? Балки! Аммо, вақту аҳли донишлар синовларидан ўтган ҳаёт ҳақиқатларига эътироз айтиб бўлмайди. Минглар бошидан кечирган, миллионлар синовидан ўтган ҳақиқатлар яшовчан бўлади. Биздан кейин ҳам қолаверади, яшайверади.

Яна “Қобуснома”га қулоқ тутамиз: “Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қилгил, зероки, ҳар кишининг дўсти кўп бўлса, айблари шунча сир тутилур ва фазилати кўпаяур”.

Дўст айбни бекитувчи (аслида айб қилишга йўл бермовчи), фазилатларни кўпайтирувчи (феълан мос одамлар ўзаро дўст бўладилар ва уларнинг фазилатлари бир-бирларига “юқади”) бўларкан.

Фазилатларининг кўролмайдиган, салгина айбинини дунёга ёядиганлардан асрасин!

...Бугун дунё тинчмас - қай бир пучмоқларда қонлар оқмоқда, беғуноҳ бандалар туғилган масканларини ташлаб, бошпана дардида кезишмоқда.

Бугун дунё тинчмас - бир қарич ер учун салтанатлар салтанатларга тиш қайраган.

Бугун дунё тинчмас – ҳатто пандемия аталмиш балои офат ҳам кўпларнинг кўзини очмади. Умумбалога қарши кураш кимлар учундир бойиш манбаига айланди. Бойлик ҳеч қачон бандасига дўст бўлмаслигини билмайдиганлар учун!

...Кўча четидида йиғлаб турган қизалоқ яна кўз олдимга келди. Дўст бўлмасликка сабаб – бошдаги дўппичанинг ўзга рангда эканлиги. Қалби қордек оқ болажонлар бошлари омон бўлса, ҳали қанчалаб дўппичалар кийишларини билишмайди-да!

Биз катталар эса ҳаммасини биламиз. Бошдаги дўппию устимиздаги либос у ёқда турсин, кўнглимиздан нима кечинаётганини ҳам.

Аммо... “Қобуснома”ни ўқишга фурсатимиз йўқ. Ўқиган бўлсак, унутилган.

Азизлар, келинг дўст бўлайлик!

Ҳаммамиз дўст бўлсак... душман қолмайди.

МУҲАББАТ.

Халқ депутатлари туман кенгаши қарори

ХОНҚА ТУМАНИНИНГ 2021 ЙИЛГИ МАҲАЛЛИЙ
БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

← (Давоми. Боши 1-бетда).
белгиланиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. 2021 йил учун туман бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1,3 млрд.сўм миқдорда белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Туман ҳокимлиги захира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун ажратилиши таъминлансин.

7. 2021 йил учун туман бюджетининг айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам маблағлари 758,0 млн.сўм миқдорда белгилансин.

8. Туман бюджетда шаклланган қўшимча манбалардан фойдаланиш тўғрисидаги қарорлар тегишли равишда халқ депутатлари туман Кенгаши томонидан туман ҳокимининг таклифларига асосан биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши мақсадида қабул қилиниши белгилансин.

9. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 1-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари туман ҳокимининг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорда бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлари билан бирга киритилган мурожаатига асосан тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар

миқдорини ошириш ёки харажатларни мақбуллаштириш таклифларини киритади.

10. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар маҳаллий бюджетнинг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

11. Туман ҳокимлиги:

Туман бюджетини биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ҳамда коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижросини, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштиради;

маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадларини 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорларда жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтиришни, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштиради.

12. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ташаббусига кўра амалга ошириладиган қўшимча тадбирларни молиялаштириш фақат туман маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

13. Туман ҳокими бюджет даромадла-

ри ва харажатларининг кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш, солиқ базасини кенгайтириш ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш ва бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши устидан қатъий назоратни ўрнатиши ва халқ депутатлари туман Кенгашига йилнинг ҳар чорагида ҳисобот бериб борсин.

14. Туман ҳокимлиги қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "Ресурс солиқлар ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ПФ-6121-сонли фармонида асосан туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашига Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоят халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгиланган, Тошкент шаҳар бўйича эса Солиқ кодексида белгиланган ер солиғи ставкаларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун, уларнинг ҳудудларида жойлашган даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида 0,7 дан 3,0 гача камайтувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда ер солиғи ставкаларини белгилаш ваколатлари берилганлигини инобатга олиб, Халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг 2020 йил 31 декабрдаги 21-82-сонли қарорининг 8-иловасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда

белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтувчи ва оширувчи коэффициентлар (солиқ ставкаси 1(бир) га 17355,0 минг.сўм) жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 (бир) кв.м.учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтувчи ва оширувчи коэффициентлар (солиқ ставкаси 1 (бир) кв.м. 159,3 сўм) 9-иловага мувофиқ белгиланган. Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун юридик шахслар бўйича мутлоқ миқдорда белгиланган базавий солиқ ставкасига киритилаётган камайтувчи ва оширувчи коэффициентлари 4-иловага мувофиқ жисмоний шахслар бўйича (деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ташқари) мутлоқ миқдорда 1 кв.м. учун белгиланган базавий солиқ ставкаларига нисбатан киритилаётган камайтувчи ва оширувчи коэффициентлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ф.Каримов ва туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ф.Эрназаров зиммаларига юклатилсин.

Х.АБДИРАМАНОВ,
сессия раиси.
2020 йил 31 декабрь.
Хонқа шаҳарчаси.

"Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепсиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

А ҳ о л и н и
рўйхатга олиш
халқаро тавсия-

ларга кўра камида 10 йилда 1 маротаба ўтказилиши белгилаб қўйилган.Мустақил Ўзбекистонда бу тадбир биринчи марта амалга ошириляпти. Амалга ошириш 3 босқичда олиб борилади. Бу куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

Биринчи босқичда тайёргарлик ишлари олиб борилади. Яъни, ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилади, молиялаштириш манбалари аниқланади, тадбирни ўтказишга масъул ваколатли органлар бириктирилади ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Бу босқич 3 йилга яқин вақт давом этади. Бу тадбирда мамлакатимизда яшаётган барча аҳоли, чет элдаги фуқароларимиз иштирок этишини назарда тутсақ, аҳолини рўйхатга олиш жараёни жиддий тайёргарлик ва масъулият талаб

қилиши, рўйхатга олиш ишларида мутахассислар билан бир қаторда бевосита қатнашадиган турли соҳа вакилларини ўқитиш, махсус тайёргарликдан ўтказиш, улар учун аудио, видео ва бошқа қўлланмалар тайёрлаш каби ишларни амалга ошириш ҳам эътиборга

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

олинган.

Иккинчи босқичда аҳолини рўйхатга олиш ўтказилади. Бу иккинчи босқичнинг энг муҳим жараёни ҳисобланиб, рўйхатга олувчи ходимлар (Ўзбекистон Республикасининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга жалб этилган, махсус ўқув курсидан ўтган, вояга етган фуқаролари) ва респондентлар (аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари) иштирок этади. Бунда рўйхатга олувчи хо-



димлар уйма-уй юрган ҳолда, юзма-юз суҳбат асосида, рўйхатга олиш варақаларини тўлдирдиш орқали аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади. Қолаверса, респондентлар

ўз хоҳишига кўра интернет тармоғидан махсус дастур орқали масофадан туриб саволномани тўлдирган ҳолда рўйхатдан ўтишлари мумкин бўлади. Бу жараён 1-2 ой муддат оралиғида ўтказилади.

Учинчи босқич бу - иккинчи босқичда олинган статистик маълумотлар махсус дастурий таъминотга ягона базага киритилади, кодлаштирилади, қайта ишланади, таҳлил қилинади ва барча маълумотлар умумийлаштирилиб, якуний натижалар расман эълон қилинади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда биринчи босқич, яъни тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаётганда.

М.МАШАРИПОВА,
туман статистика бўлими
етакчи мутахассиси.

Кун мавзуси

МАҲАЛЛА – АСОСИЙ БЎҒИН

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасида жойлардаги муаммоларга ечим топишда маҳалла тизими бирламчи ва асосий бўғин эканлигига алоҳида урғу берилди. Бу эса маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва бошқа фаолларининг масъулиятини оширади.

Айни пайтда Президентимизнинг маҳалла раиси жойлардаги менинг устуним, деган эътирофлари фаолиятимизни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

"Маҳаллабай" усулида ишлашга ўтиш ҳар бир оиллага кириб бориш, уларнинг муаммо ва камчиликларини ўрганиш ва имкон қадар шу жойнинг ўзида ечимини топишда энг мақбул йўлдир.

Бу борада туман ҳокимлиги ташаббуси билан барча маҳаллаларда янги иш услуби юзасидан кенг қўлланма тарғибот-ташвиқот жараёни бошлаб юборилди. Туманимиз ҳокими ўз вазифаларига киришган куниёқ барча маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан учрашиб, танишиш асносида айни бизларга юклатилаётган вазифалар кўлами ҳақда сўз юритдилар ва бу борада доимо ҳамкор ва мададкор эканликларини таъкидладилар.

Янги йилимизнинг илк ойи ўтиб бормоқда. Олдимизда турган йилда бажаришимиз керак бўлган ишлар, кундалик вазифалар, давлат ва маҳаллий дастурлар доирасида ҳар бир ҳудудда амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича иш режамизни тузиб, шунга монанд ишлашга ўтдик.

Зеро, ислохотларнинг янги босқичи икки карра кўпроқ ишлашга ундамоқда. Янги Ўзбекистонимизни бор куч-ғайратимизни ишга солиб, ўзимизга топширилган вазифада қатъий масъулият ҳис қилган ҳолда яратамиз.

Илдор АБДУЛЛАЕВ,
"Янгиликлар" маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Жиноятга жазо муқаррар!

... Шовот тумани Махтумқули қишлоғи "Эшонқалъа" маҳалласи, "Иқбол" кўчасининг 103-уйида яшовчи А. Муротова 2020 йилнинг 3 март куниси ҳар доимгидай ҳовли тўридаги товукхона томонга боради. Шу пайтда у товукларга дон берар, тухумларини йиғиштириб оларди. Бу узоқ йиллар шакланган қишлоқи аёлнинг ода-ти эди. Товуклари

туққан тухумларни этагига солиб келтирар, олдига югириб чиққан невараларига кўрсатар ва уларни хурсанд қиларди...

Аммо, шу кун у умрида охириги марта товукхонага киргани ва бу ердан тирик чиқмаслигини қайдан ҳам билсин?

Бир инсоннинг фожиали ўлими билан тугайдиган воқеа илдизи ҳам шу хонадонда. Бу оилада уч ака-ука оилалари билан ота хонадонда яшашарди. Нисбатан иноқ эдилар, топганларини бир дастурхонга қўйишарди.

Айни мудҳиш фожа рўй берган кун келинлар сумалаш пишириш тадоригида юришган - бугдой тозалашаётганди. Саида овсинларига бир баҳона айтиб, уларнинг ёнидан кетади ва кўп ўтмасдан қайтиб келиб, ҳеч нима бўлмагандай яна

бугдой тозалашга киришади. Аммо, у негадир сал асабий кўринарди, шу ерда ўйнаб юрган боласини ургани ҳам шундан. Овсинлари унга: "Қўй, болага тегма!" деганларидан сўнг индамай ерга қараб қолади ва юмушини давом қилдиради. Аслида...

Саида ҳозиргина товукхонага борган, ўз

лан оқлаб бўлмади. Судда иқдорлик билдиришича: "...ораларида муносабат яхши бўлмаганмиш".

Бир неча кун муқаддам турмуш ўртоғи Тошкент шаҳрига ишлаш учун кетгач, у эски таниши - шу маҳаллалик М. Оллабергановга кўнғироқ қилади. М. Оллаберганов киракашлик

қозик ва ошхона пичоғини бир жойга яшириб қўяди...

Мудҳиш воқеа шу зайил рўй беради ва бутун умри ҳалол меҳнат қилиб, уч келин туширган, ҳали ҳамон шуларни деб оёғини узатиб уйда ўтирмаган, молхонаю товукхонада ўралашиб юрадиган бечора муштипар аёл қотил келини кўлида бевақт ўлим топади.

2020 йилнинг 22 сентябрь куниси жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят судининг судлов

ҳайъати ёпиқ суд мажлисида ушбу қотиллик ишини кўриб чиқди. Қайнонасини қасддан ўлдиргани ҳолати гувоҳлар, ашёвий далиллар, гумондорнинг ўз иқдорлигини билан ишботини топди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисмининг "ж" банди билан айбдор деб топилган С.Йўлдошева 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Мана айрим ёшларнинг тийиксизлиги оқибати!

Ана шу тийиксизлигини яшираман, деб бир бегуноҳ инсоннинг бевақт умрига зомин бўлган С.Йўлдошеванинг бутун умр бўйи виждон азоби қийнаса, не ажаб?

Бу ёқда боласининг тирик етим бўлиб қолганини айтинг!

Аслбек ЮСУФБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси,
15-бошқарма прокурори.

АЙБИНИ ЯШИРАМАН ДЕБ...

бир инсоннинг ҳаётига зомин бўлди

юмуши билан андармон қайнонасининг бошига аввал темирқозик билан урган, у ерга хушсиз йиқилгач, пичоқ билан дуч келган жойига зарбалар берган ва қора қонига беланиб ётган бечора аёлни ташлаб, ҳеч нима кўрмагандай қайтиб келиб, бемалол ишига уринганди...

21 яшар Саида Йўлдошевани бу мудҳиш қотилликка нима мажбурлади? Етишмовчилик эмас, оилада қайнона ва келин ўртасида рўй берган бирорта жанжал ҳам эмас.

Ҳирс балоси уни шунга мажбурлади...

С.Йўлдошева 2017 йил декабрь ойида А.Бобожонов билан турмуш қурганди. Ўртада бир нафар фарзанди дунёга келди. 18 яшар қизнинг не орзу билан қурган турмуш ўртоғига хиёнат қилишини бирор нарса би-

билан шуғулланарди...

Хуштори билан кўчада тунги соат 23 ларда ниманидир пичирлашганча гаплашаётганини кўрган А. Муротова шубҳага боради ва уларнинг учрашувига ҳалақит беради. Тўсат қўлга тушганидан доғдира қолганлар бўлмағур баҳона топишади. А. Муротова келинига уйга киришини айтиб, бу масалани эртага муҳокама қилишини билдиради...

Айни, "масалани муҳокама қилиш", яъни унинг хиёнаткор эканлиги, бу сир ошкор бўлса, оиласи бузилиб кетишидан қўрққан Саида тунги билан қайнонасини қандай қутилиш йўллари йўлаб, излайди ва ниҳоят бир тўхтамга келади. Қайнонаси товукларга қараш учун товукхонага борганида уни ўлдириб режасини тузади ва олдиндан бунинг учун темир

Эълонлар

Хонқа тумани ҳокимлиги ҳузуридаги корхоналар, ташкилотлар ва фермер хўжалиқларига ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси туман ҳокимлиги заҳира ер фонди ҳисобидаги жами 24,4 гектар, шундан экин майдони 23,2 гектар ер участкасида 2 та лойиҳа, шундан 1 та лойиҳа чорвачилик ва 1 та лойиҳа боғдорчилик йўналишида янгидан фермер хўжалиқлари ташкил қилиш бўйича очиқ танлов ўтказилишини
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Навхос қишлоғи ҳудудининг туман заҳира ер фондидаги **262қ, 263-контурларида** жойлашган умумий ер майдони **11,3 гектар**, шундан экин майдони **10,4 гектардан** иборат бўлган ер участкасини **1-лойиҳа** бўйича чорвачилик (қорамолчилик ёки паррандачилик) йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун;

Мадир қишлоғи ҳудудининг туман заҳира ер фондидаги **49-контурларида** жойлашган умумий ер майдони **13,1 гектар**, шундан экин майдони **12,8 гектардан** иборат бўлган ер май-

донини **2-лойиҳа** бўйича янгидан боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги (замонавий интенсив боғ) ташкил қилиш учун ижарага ажратиш бериш мақсадида очиқ танлов ўтказилишини билдиради.

Талабдорлардан аризалар туман ҳокимлигида, эълон матбуотда чоп қилинган кундан бошлаб **20 кун мобайнида** қабул қилинади. Аризалар (шанба ва якшанбадан ташқари) соат **09:00 дан соат 18:00 гача** қабул қилинади.

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ.

ПАХТАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИҚЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2021 йилнинг 15-16 февраль кунлари Хонқа тумани қишлоқ хўжалиги бўлими биносида 2021 йил ҳосилидан уруғлик пахта етиштириш ҳуқуқини қўлга киритиш учун хўжалиқлар ўртасида тендер танлови бўлиб ўтади.

Танловда қатнашиш стагини билдирган фермер хўжалиқлар раҳбарлари қуйидаги ҳужжатлар тўпламини 2 нусхада туман қишлоқ хўжалиги бўлимида тузилган танлов комиссиясига 7 февралгача тақдим қилишлари сўралади.

- Тендер комиссияси номига ариза;
- фермер хўжалиги номидан тилхат;
- туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими ҳамда туман қишлоқ хўжалиги бўлимининг маълумотномаси;
- фермер хўжалиги, унинг раҳбари ва

ишчи ходимлари тўғрисида маълумотнома;

- ирригация бўлими маълумотномаси;
- вилоят "Агрокимёхимоя" АЖнинг туман филиали томонидан берилган маълумотнома;
- фермер хўжалиги раҳбарининг мутахассислиги ва маълумоти тўғрисида ҳужжат (диплом нусхаси);
- фермер хўжалиги раҳбарининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги иш стажини тасдиқловчи ҳужжатлар (меҳнат дафтарчаси ва бошқа ҳужжатлар);
- фермер хўжалигида ишлаётган уруғчи ҳосилотнинг маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (диплом нусхаси);
- мажбуриятдан озод пул маблағи тўғрисида тегишли банк томонидан бе-

рилган маълумотнома;

- туман техназорат инспекцияси томонидан берилган маълумотнома ҳамда техпаспорт нусхаси;
- Контракция шартномасининг бажарилиши бўйича туман "Хoғazm Tex" МЧЖ томонидан берилган маълумотнома;
- Сўнги 3 йил ичидаги пахта ҳосилдорлиги бўйича "Хoғazm Tex" МЧЖ томонидан берилган маълумотнома.

Ҳужжатларни қабул қилиш **2021 йил 7 февраль кун соат 18:00 да** тўхтатилади.

Қўшимча маълумотлар учун: **39-91-174** ва **+99897-791-23-64** телефон рақамларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ.

КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА БОШ ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Туман статистика бўлими **2020 йил учун 1-mehnat (йиллик) ҳисоботини** ҳисобот давридан кейинги ойнинг **1-санасидан (2021 йил 1 февралдан)** кечиктирмай (электрон шаклда **eStat 3.0** дастури орқали) тақдим қилишингизни сўрайди.

Телефон: **39-91-279.**

ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.

Хонқа қурилиш касб-ҳунар коллежини "Бошланғич синфларда меҳнат таълими" йўналишини 2004 йилда тамомлаганлиги ҳақида **Сабилова Малоҳат Жоббаровнага** берилган рўйхат рақами **42, К№ 183195-рақамли диплом ва диплом иловаси** йўқолганлиги боис **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ХОНҚА ТУМАНИ-НИНГ ДЕМОГРАФИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Хоразм вилоятининг барча соҳалардаги иқтисодий-ижтимоий кўрсаткичлари шаклланишида мавжуд 2 та шаҳар ва 11 та туман қаторида Хонқа туманининг ҳам ўз ўрни ва салмоғи бор.

Хонқа тумани 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган бўлиб, маъмурий-ҳудудий тузилишига кўра умумий ер майдони 0,43 минг км2 ни ташкил қилади. Вилоятимизнинг Урганч, Хива, Янгиариқ, Боғот туманлари билан чегарадош.

Аҳоли демографиясига назар солидиган бўлсак, туманимизда доимий яшовчи аҳоли сони 2021 йил 1 декабрь ҳолатига 188299 нафар кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,5 фоизга ошган, яъни 2811 нафар кишига кўпайган. 123569 нафар киши қишлоқ жойида, 64730 нафар киши шаҳар жойида яшовчи аҳолини ташкил қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, туман аҳолиси сонининг вилоят аҳоли сониданги улуши 9,9 % ни ташкил этади.

Шунингдек, ҳисобот давридаги ҳолатга кўра туман аҳолисининг 50,5 фоизини эркаклар (жами сони 95069 киши), 49,5 фоизини аёллар (жами 93230 минг кишини) ташкил қилади. Демак, туманда эркаклар сони аёллар сонига нисбатан кўпроқ эканлигини кузатишимиз мумкин.

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида туғилганлар сони 4218 нафарни ташкил қилди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 1000 кишига нисбатан 22,6 промиллени ташкил қилди.

ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИ.

"Урганчтрансгаз" огоҳлантиради!**БИЛИНГ ВА АМАЛ ҚИЛИНГ!**

Хонқа туманининг Катта жирмиз қишлоғи ҳудудида "Урганчтрансгаз" УК тизимидаги Урганч магистраль газ қувурлари бошқармасига қарашли бўлган Д-1020 мм. диаметрдаги, юқори босимли "Бухоро - Урал" магистраль газ қувурлари жойлашган бўлиб, ушбу газ қувурлари орқали Хонқа, Урганч туманлари аҳолиси ҳамда ишлаб чиқариш объектлари табиий газ билан таъминланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ушбу газ қувурлари учун ажратилган ер майдонлари рўйхатга олиниб, қурилиш меъёрий қоидаларига (ҚМҚ 2.05.06-97) асосан ҳимоя ва муҳофаза зонаси чегаралари белгилаб берилган.

Қурилиш меъёрий қоидаларига (ҚМҚ 2.05.06-97) асосан диаметри Д-1020 мм бўлган газ қувурларидан ҳар тарафига 250 метр, диаметри Д-1220 мм қувурлар учун 300 метр, диаметри Д-325 мм қувурлар учун 125 метр, диаметри Д-273 мм қувурлар учун 75 метргача масофада ҳар қандай қурилиш ишларини олиб бориш қатъий таъқиқланган.

Мазкур ҳудудда турар-жой ва бошқа турдаги қурилишлар қурилиши ҚМҚ 2.05.06-97 талабларига зид бўлиб, газ қувурида авария юз берганда ҳудудда истиқомат қилувчи инсонларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига ва атроф-муҳитга жуда катта хавф туғдиради.

Газ қувурларининг ҳимоя ва муҳофаза зонаси ҳудудларига қурилмалар қурилган тақдирда улар ноқонуний ҳисобланиб, қурилмалар суд орқали мажбурий тартибда бузиб ташланиши ва келтирилган зарарлар ноқонуний қурилмани қурган шахсдан ундирилиши шартлиги қонунда қайд қилинган.

Шу сабабли ушбу ҳудудларда истиқомат қилаётган фуқаролардан юқоридаги қонун талабларига қатъий риоя қилишларини, ўзлари ва бошқа инсонларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф муҳитга хавф туғдирмаслиқларини сўраб қоламиз!

"Урганчтрансгаз" маъмурияти.

Сўнги пайтларда таассуб билан айтиш керак, блогерлар кўпайиб кетишди. Ижтимоий тармоқ тизимида тезкор ахборот ва айни пайтда жойлардаги мавжуд муаммоларни ёритувчи бу касб эгалари барчаси ҳақида "таассуб" сўзини ишлатиш ноўриндир. Аммо...

...Яқинда туман ҳокимлиги ахборот хизмати мавзугизга сабаб – "билағон" блогер чиқишларига кескин муносабат билдиришга мажбур бўлди. (Ва яна таърифимиз исботи сифатида эслатиш ўринлики, Ҳазорасп туман ҳокимлиги ахборот хизмати ҳам бир "билағон"нинг ёлғон ахборот тарқатишига қарши ўз муносабатини ижтимоий тармоқларга жойлади).

Гап нима ҳақида? Ижтимоий тармоқдаги ўз канали олдида муқаддас "Хоразм" атамасини қалқон қилган бу блогер гоҳо бир, гоҳо яна бир туманда пайдо бўлиб, ўзига мурожаат қилган фуқаро арзи додини тасвирга олиб, кейин гўёки, "Бу фуқаро билан ҳеч кимнинг иши йўқ, ҳокимлик тизими беҳабар" қабилдаги шарҳи билан видеолар тарқатиш билан машғул.

Тўғри, жойларда озми-кўпми муаммолар мавжуд, айрим фуқаролар у ёки бу масалада ўз мурожаатларига ечим тополмай юрганликлари ҳам учраб туради. Муаммоларни ижтимоий тармоқларга жойлаш ва шу орқали масъуллар эътиборини шунга қаратиш – бу оммавий ахборот воситалари ва интернет тизимининг бир вазифаси. Шу орқали жамоатчилик фикрини шакллантириш ва муаммоларга ечим топиш тажрибаси оммалашмоқда.

Бу матбуот тўғрисидаги қонунларимизда ҳам кафолатланган.

Биз тилга олган блогер фуқаро мурожаатини ўрганишда

мунтазам олиб келаётгани, бундан ташқари ҳомийлар томонидан ҳатто хонадонда ўтказган тўй харажатларининг катта қисми кўтарилгани...ҳақда маълумотлардан кўз юмади. Аслида, бу маълумотларни олмайди, беш қадам нарида жойлашган маҳалла

кейин унга нисбатан кескин раддия тарзидаги муносабат билдирган ахборот хизмати раҳбарига кўнғироқ қилиб: "Менинг ижтимоий тармоқдаги фаолиятимга тўсқинлик қилиб, обрўимни тўқдингиз!" деб иддао қилгани ортиқча).

Инсон ҳуқуқи – фуқаронинг конституцияда кафолатланган ҳуқуқидир. Уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!


...Нохалис блогернинг исботланмаган чиқишларига кетма-кет раддиялар берилгач, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришга масъул ташкилот раҳбари тезкор равишда ўқув семинари ўтказишга зарурият сезди. Бу семинарда қонун ҳимоячиси бўлган ходимлар ҳам иштирок этиб, ижтимоий тармоқларда ёлғон маълумот, бировларга нисбатан тухмат ёки ҳақорат ишлатганлик учун қонунларимизда белгиланган жазо турлари ҳақида тушунтириш беришди.

...Ўзларини нохалис ва ноўрин айбдор деб топган, ҳуқуқини бузган ўша блогерга нисбатан масъулларнинг судга мурожаат қилишмагани – бу энди шарқона одоб меъёрлари билан изоҳланади. Буни яна бағрикенглик деб аташ мумкин.

Аммо, бу бағрикенглик бир кун сабр косаси каби тўлишини ҳам унутмаслик керак!

Биз буни "билағон" блогерга "сўнги кўнғироқ" эканлигини эслатишни лозим топдик.

Рўзимбой ҲАСАН.
Мақола грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



лида бу ўринда "ўрганиш" сўзи ортиқчалик қилади) бирёқликка, яъни нохалисликка йўл қўяди. Мурожаатчи иддаоларини эшитиб, ёзиб олиб тарқатишигина билади, холос. Хўш, бу фуқаро қай даражада ҳақ унинг ижтимоий аҳволи билан маҳалла фуқаролар йиғини шуғулланганми, қай даражада шуғулланган каби табиий саволларга жавоб изламайди. Излашни ҳам истамайди. Спортчилар тили билан айтганда: "Фақат бир дарвозага ҳужум уюштирилади".

Ўша блогер "жуда катта шов-шув ясаб", бу ҳолатга ҳудуд раҳбарлари бош айбдор, деб хулоса қилган ҳолат, яъни ўз ҳимоясига олган фуқаро ўтган даврда маҳалла фуқаролар йиғинидан моддий кўмакни

фуқаролар йиғини биносига бормаиди, бирор масъул билан учрашмайди.

Шундай деяпмизу, аслида бу блогер шундай йўл тутишни билмасачи, деган савол туғилади. Тўғри-да, айрим "блогерман" деб камера кўтариб юрганлар оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунлар талабларидан мутлақо беҳабарлар. Айримларнинг саводи инқадар эканлиги, ярим варақлик матнда ўнлаб имловий (услубий) чалқашликлар ҳақида гапириш ортиқча) хато қилишаётгани бошқа мавзу.

Шу тариқа блогер бир масъулнинг ишчанлик обрўсига путур етказди ва ҳатто унинг шаънига нисбатан ҳақоратомуз жумлалар ишлатишдан тоймайди. (Яна ўзининг "шов-шувли чиқиши"дан

Муносабат БАРЧАСИ... МУТОЛАДАН БОШЛАНАДИ

Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида келаёғимиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама баркамол – жисмоний ва маънавий етук қилиб тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса амалдаги йилга ном берилиши билан ҳамохандир.



Аввало, ҳозир дунёда содир бўлаётган воқеалар, экстремистик ғояларни интернет тармоқларига жойлаётган ёвуз кучлар таъсирдан ҳали онги тўла шаклланмаган ёшларимизни асрашда ҳамда уларни илму маърифатга ошно қилишда таъсирчан восита бу билимдир. Билим эса мутлақ орқали олинади. Демак, мутлақ маданиятини кенг тарғиб қилиш орқали ёшларнинг дунёқарашларини қадим қадриятларимиз сари буриш – энг самарали ва таъсирчан тарбия воситасидир. Айни шу мақсадларда пойтахтимизда бунёд бўладиган янги, мухташам кутубхона ана шу йўлдаги эзгу қадамдир.

Китоб, газетаю журнал мутлоааси барча ёшдаги инсонлар учун кундалик маънавий озуқа бўлиши керак. Буюк аждодларимизнинг илму маърифат ҳақидаги ҳикматли сўзлари – улар томонидан ёзилган китоблар бизлар учун ҳамиша ибрат ва сабоқ воситаси ҳисобланади.

Ўқитувчилар дарс сабоқлари давомида, қайси фандан ўқитишларидан қатъий назар, ўқувчиларга ўзи ўқиган бирор бадиий асарни тарғиб қилишлари, ўша асардаги ибратли ҳолатларни сўзлаб беришлари керакки, бу орқали бола шуурида мутлоаага бўлган қизиқиш орта боради. Мактаб кутубхонасида бор китобларни шу тахлит тарғибот қилиш орқали болаларнинг бўш вақтларида китоб ўқишларига имкон яралади.

Бу жараёнда ота-оналарнинг вазифаси ўз фарзандига ҳеч бўлмаганда ҳар ойда янги бир китоб совға қилиб, асарни ўқишини назорат қилишидир. Китоб ўқишга рағбат – қанча кўп ўқиса яна шунча кўп китоб олиб бериш бўлиши керак.

Ислохотларнинг янги босқичи Янги Ўзбекистонимизнинг учинчи Ренессанси тараққиётнинг навбатдаги поғонасини яратмоқда. Ҳар қандай тараққиёт аввало, илму маърифат билан баркамол ва мукамал бўлишини аждодларимиз ўз амалларида исботлашган. Ана шу амаллар бизлар учун ойдin йўлимизни – эртанги фаравон ҳаётимизни таъминлайдиган минг йиллик тажриба маҳсулларидир.

Фарҳод РЎЗМЕТОВ,
19-сон мактаб ўқитувчиси.

Хабарингиз борми?

Лицензияларнинг "КУНИ БИТМОҚДАМИ?"

тадбирлари тўғрисида" ги Фармони билан амалдаги йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлар қатламини кўп йиллар қийнаб келган, ишига тўсқинлик қилган кўпгина талаб ва шартлар бекор қилиниб, хусусий сектор равнақига хизмат қилувчи талай ўзгаришлар юз бермоқда.

Фармонга мувофиқ 1 январдан бошлаб иқтисодий тармоқларидаги лицензияланадиган 266 та фаолият турларидан 70 тасига лицензия талаб қилинмайди. 140 турдаги рухсатномаларнинг 35 таси бекор қилинади.

Булар том маъно ислохотларнинг ёрқин бир кўриниши, тадбиркорлар учун яратилаётган янги шароитлардир.

Ақида ОДАМБОЕВА.

Янги болалар боғчаси иш бошлади



"Жаннатмакон" маҳалласида жойлашган 39-сонли МТТ инвестиция дастурига киритилиб, 3 миллиард сўм пул маблағи эвазига замонавий кўринишда қайта таъмирланди ва барча зарур шароитларга эга, 120 ўринга мўлжалланган мактабгача таълим ташкилоти ўз фаолиятини бошлади.

XONQA AYOTI
MUASSIS:
Xonqa tuman hokimligi

Bosh muharrir:
M u h a b b a t S A F O Y E V A
Gazeta 13-008 raqam bilan 2015 yil 27 martida ro'yxatdan o'tgan. Nashr ko'rsatkichi - 508.

MANZILIMIZ:
220800, Xonqa shaharчаси, Xalqlar do'stligi, 30-uy.
E-mail: xonqahayoti@inbox.uz
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: **O.Sobirov.**
TELEFONLAR:
39-91-769,
39-92-509.

Gazeta «Urganch master servis» xususiy korxonasi bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. BOSMAXONA MANZILI: Urganch shahri, Xiva ko'chasi 106/1-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 16:00. Topshirildi: 21.01.2021 yil.
Nusxasi: 520. Beput nuxsa: 1300.
NAVBATCHI: **A.ODAMBOEVA.**

ISSN 2010-6637
Buyurtma: 180.
CMYK